

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАЎБАР КАДРЛАРИНИ
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ

МЕТАЛЛУРГИЯ

йўналиши

“РАНГЛИ МЕТАЛЛУРГИЯДА
ИСТИҚБОЛЛИ ЙЎНАЛИШЛАР”

модули бўйича

Ў Қ У В – У С Л У Б И Й М А Ж М У А

Тошкент – 2019

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАЎБАР КАДРЛАРИНИ
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

**“РАНГЛИ МЕТАЛЛУРГИЯДА ИСТИҚБОЛЛИ ЙЎНАЛИШЛАР”
модули бўйича**

Ў Қ У В – У С Л У Б И Й М А Ж М У А

Тузувчилар: С.Т. Маткаримов, Х.Р. Валиев

Тошкент - 2019

Мазкур ўқув-услугий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 2 ноябрдаги 1023-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.

Тузувчилар: ТДТУ «Металлургия» кафедраси кат. ўқ. С.Т. Маткаримов
ТДТУ «Металлургия» кафедраси мудири, т.ф.н. Х.Р. Валиев

Такризчи: ТДТУ, т.ф.д., А.А. Юсупходжаев

Ўқув -услугий мажмуа Тошкент давлат техника университети Кенгашининг 2019 йил 24 сентябрдаги 1-сонли қарори билан фойдаланшга тавсия қилинган.

МУНДАРИЖА

I. ИШЧИ ДАСТУР	5
II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.....	10
III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАРИ.....	15
IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ.....	32
V. КЕЙСЛАР БАНКИ	46
VI. ГЛОССАРИЙ	48
VII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	56

Ў.ИШЧИ ДАСТУР

Кириш

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4732-сонли, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармонлари, шунингдек 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–2909-сонли Қарорида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қилади. Дастур мазмуни олий таълимнинг норматив-ҳуқуқий асослари ва қонунчилик нормалари, илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат, таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш, амалий хорижий тил, тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари, махсус фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, технологик тараққиёт ва ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, педагогнинг касбий компетентлиги ва креативлиги, глобал Интернет тармоғи, мультимедиа тизимлари ва масофадан ўқитиш усулларини ўзлаштириш бўйича янги билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришни назарда тутди.

Ушбу ишчи ўқув дастурда рангли металлургиянинг технологик жараёнлари, рангли металлларни қайта ишлаш жараёнлари, уларнинг усуллари ва технологиялари дастгоҳлари ҳозирги кундаги муаммолари ҳамда истиқболли жараёнлари баён этилган.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

Модулнинг мақсади: Рангли металлургияда бойитмаларни қайта ишлаб асосий компонентни ажратиб олишнинг технологик жараёнлари ҳамда самарали технологиялари, қайта ишлашнинг истиқболли ечимлари каби манбаларни ўргатишдан иборат.

Модулнинг вазифалари:

Бугунги кун талабларига мос ҳолда, рангли металл бойитмаларни қайта ишлаб тоза маҳсулот олиш сифатини таъминлаш мақсадида олдинги ва

ҳозирги технологияларни таққослаш; металл сақловчи хом ашё таркибидаги барча қимматабаҳо моддаларни ажратиб олишга қаратилган технологик жараёнларни танлаш; қайта ишлаш жараёнларининг самарадорлигини аниқлаш.

Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар

“Рангли металлургияда истиқболли йўналишлар” курсини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

Тингловчи:

- ривожланган хорижий давлатларда ва Республикада рангли металлургиянинг замонавий аҳволи ва истиқболлари;
- рангли металлларни ишлаб чиқариш жараёнларига қўйиладиган талаблар;
- металлургик корхоналарида ҳосил бўладиган чиқиндиларни атроф-муҳитга таъсири ҳақида **билимларни эгаллаши;**

Тингловчи:

- рангли металлларни сақловчи хом ашёларни қайта ишлашнинг технологик схемаларини тузиш;
- иккиламчи техноген чиқиндиларни синфларга ва турларга ажратиш;
- металл сақловчи хом ашё таркибидаги барча қимматабаҳо моддаларни ажратиб олишга қаратилган технологик жараёнларни танлаш **кўникма ва малакаларини эгаллаши;**

Тингловчи:

- рангли металл сақловчи хом ашёларни таҳлил қилиш асосида металлургик ишлаб чиқаришга лойиқлигини аниқлаш;
- техноген чиқиндиларнинг сифати ва миқдорини аниқлаш, турли технологик жараёнларни қўллаб уларни қайта ишлаш ва чиқиндисиз технологияларни яратишда атроф-муҳитни ҳимоя қилувчи технологияларни ишлаб чиқиш **компетенцияларини эгаллаши лозим.**

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

“Рангли металлургияда истиқболли йўналишлар” курси маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Курсни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик технологиялар ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан;
- ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий ҳужум, гуруҳли фикрлаш, кичик гуруҳлар билан ишлаш, коллоквиум ўтказиш, ва “Ассесмент”, “Венн диаграммаси”, “Хулосалаш” каби интерактив таълим усуллари қўллаш назарда тутилади.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

“Рангли металлургияда истиқболли йўналишлар” модули мазмуни ўқув режадаги “Иккиламчи техноген чиқиндиларни қайта ишлашнинг технологик жараёнлари” ва “Энергияресурсстежамкор технологиялар ва атроф-муҳит ҳимояси” ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг рангли металлургия бўйича касбий педагогик тайёргарлик даражасини оширишга хизмат қилади.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар рангли металлургияда истиқболли йўналиш ва технологияларга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

Модул бўйича соатлар тақсимооти

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкلامаси, соат					
		Ҳаммаси	Аудитория ўқув юкلامаси				Мустақил таълим
			Жами	жумладан			
				Назарий	Амалий машғулот	кўчма машғулот	
1.	Мис металлургиясининг	6	6	2		4	

	замонавий аҳволи ва ривожланиш истиқболлари						
2.	Мис штейнларини конвертерлаш жараёни	2	2	2			
3.	Суяқ ваннада эритиш жараёнлари	2	2	2			
4.	Турли металл сақловчи бойитмаларни рационал таркибини ҳисоблаш	2	2		4		
	Қайнар қатламли печларда рухли бойитмаларни куйдиришнинг технологик ҳисоботи	2	2		2		
	Жами:	16	16	6	6	4	

НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1 - мавзу: Мис металлургиясининг замонавий аҳволи ва ривожланиш истиқболлари

Мис металлургияси рудаси, руда таркиби ва бойитиш усуллари. Мис штейнларини эритишнинг замонавий усуллари ва технологиялари. Муаллақ эритиш печи. Митсубиши услуксиз мис эритиш жараёни. Конвертерлаш жараёни.

2 - мавзу: Мис штейнларини конвертерлаш жараёни

Мис штейнларини конвертерлаш жараёни, унда борадиган физик-кимёвий жараёнлар, конвертерлаш босқичлари, конвертер печларининг турлари ва асосий кўрсаткичлари

3 - мавзу: Суяқ ваннада эритиш жараёнлари

Ванюков печи, суяқ ваннада эритиш жараёнинг кўрсаткичлари, Кеннесотт–Оутотес машъала конвертори, ИНСО машала конвертери, ваннада конвертерлаш.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАЗМУНИ

1-амалий машғулот: Турли металл сақловчи бойитмаларни рационал таркибини ҳисоблаш.

Халькопирит-пиритли мис бойитмаларини рационал таркибини ҳисоблаш. Мисга бой бўлган бойитмаларни рационал таркибини ҳисоблаш.

Рух таркибли бойитмаларни рационал таркибини ҳисоблаш.

2-амалий машғулот: Қайнар қатламли печларди рухли бойитмаларни куйдиришнинг технологик ҳисоботи

Рух кекининг рационал таркибини аниқлаш. Кокс кукунларининг сарфини аниқлаш. Клинкер таркиби ва чиқишини ҳисоблаш. Вельц печининг асосий ўлчамлари. Ҳаво миқдорини ҳисоблаш. Чиқувчи газлар таркиби ва миқдорини ҳисоблаш. Рух кекларини вельцевлаш жараёнининг материал вуа иссиқлик балансини ҳисоблаш.

Таълимни ташкил этиш шакллари

Мазкур модулни ўзлаштириш жараёнида турли хил интерфаол методлардан фойдаланилади. Интерфаол методлардан фойдаланиш жараёнида тингловчиларнинг сонидан келиб чиққан ҳолда қўйидаги таълимни ташкил этиш шаклларида фойдаланиш кўзда тутилади:

Жамоавий, гуруҳларда ва якка тартибда. Гуруҳлар ўз навбатида учга бўлинади: кичик гуруҳларда, гуруҳлар ора ва жуфтликда.

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.

Хулосалаш» (Резюме, Веер) методи

Методнинг мақсади: Бу метод мураккаб, кўптармоқли, мумкин қадар, муаммоли характеридаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Методнинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир хил ахборот берилади ва айни пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида аспектларда муҳокама этилади. Масалан, муаммо ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва зарарлари бўйича ўрганилади. Бу интерфаол метод танқидий, таҳлилий, аниқ мантиқий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда ўқувчиларнинг мустақил ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда тизимли баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратади. “Хулосалаш” методидан маъруза машғулотларида индивидуал ва жуфтликлардаги иш шаклида, амалий ва семинар машғулотларида кичик гуруҳлардаги иш шаклида мавзу юзасидан билимларни мустаҳкамлаш, таҳлили қилиш ва таққослаш мақсадида фойдаланиш мумкин.

Методни амалга ошириш тартиби:



тренер-ўқитувчи иштирокчиларни 5-6 кишидан иборат кичик гуруҳларга ажратади;



тренинг мақсади, шартлари ва тартиби билан иштирокчиларни таништиргач, ҳар бир гуруҳга умумий муаммони таҳлил қилиниши зарур бўлган қисмлари тўпиртилган таркатма материалларни



ҳар бир гуруҳ ўзига берилган муаммони апрофлича таҳлил қилиб, ўз мулоҳазаларини тавсия этилаётган схема бўйича таркатмага ёзма баён қилали:



навбатдаги босқичда барча гуруҳлар ўз тақдимотларини ўтказадилар. Шундан сўнг, тренер томонидан таҳлиллар умумлаштирилди. зарурий ахборотлар билан тўлтирилди ва мавзу

Мавзуга қўлланилиши:

Металлургик печлар					
Ванюков печи		Аусмелт печи		Митсубиши печи	
афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги
Хулоса:					

«ФСМУ» методи

Технологиянинг мақсади: Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хулосалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хулосалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустақамлашда, ўтилган мавзунини сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

Технологияни амалга ошириш тартиби:

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хулоса ёки ғоя таклиф этилади;
- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади:

Ф	• фикрингизни баён этинг
С	• фикрингизни баёнига сабаб кўрсатинг
М	• кўрсатган сабабингизни исботлаб мисол келтиринг
У	• фикрингизни умумлаштиринг

- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гуруҳий тартибда тақдимот қилинади.

ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

Мавзуга қўлланилиш:

Фикр: “Мис металлургиясида энг самарали усул бу Митсубиши жараёнидир”.

Топширик: Мазкур фикрга нисбатан муносабатингизни ФСМУ орқали таҳлил қилинг.

“Ассесмент” методи

Методнинг мақсади: мазкур метод таълим олувчиларнинг билим даражасини баҳолаш, назорат қилиш, ўзлаштириш кўрсаткичи ва амалий кўникмаларини текширишга йўналтирилган. Мазкур техника орқали таълим олувчиларнинг билиш фаолияти турли йўналишлар (тест, амалий кўникмалар, муаммоли вазиятлар машқи, қиёсий таҳлил, симптомларни аниқлаш) бўйича ташҳис қилинади ва баҳоланади.

Методни амалга ошириш тартиби:

“Ассесмент” лардан маъруза машғулотларида талабаларнинг ёки

қатнашчиларнинг мавжуд билим даражасини ўрганишда, янги маълумотларни баён қилишда, семинар, амалий машғулотларда эса мавзу ёки маълумотларни ўзлаштириш даражасини баҳолаш, шунингдек, ўз-ўзини баҳолаш мақсадида индивидуал шаклда фойдаланиш тавсия этилади. Шунингдек, ўқитувчининг ижодий ёндашуви ҳамда ўқув мақсадларидан келиб чиқиб, ассесментга қўшимча топшириқларни киритиш мумкин.

Намуна. Ҳар бир катакдаги тўғри жавоб 5 балл ёки 1-5 балгача баҳоланиши мумкин.

Тест

- 1.Автоген жараёнда борувчи мис эритиш печлари?
- А. Яллиғ қайтарувчи печ
- В. Ванюков печи
- С. Электролиз жараёни

Қиёсий таҳлил

- Мис эритишбосқичларини таҳлил қилинг?

Тушунча таҳлили

- КМП қисқармасини изоҳланг...

Амалий кўникма

- 100 кг рух куйиндисини ҳосил қилиш учун сарфланадиган иссиқлик миқдорини аниқланг?


«Венн диаграмма» методи

«Венн диаграмма» методи- ўрганилаётган объектларнинг 2 ёки 3 жиҳатларни ҳамда умумий томонларини солиштириш ёки таққослаш ёки қарама-қарши қўйиш учун қўлланилади. Тизимли фикрлаш, солиштириш, таққослаш, таҳлил қилиш кўникмаларини ривожлантиради.

Венн диаграммани тузиш қондаси билан танишадилар. Алоҳида/кичик гуруҳларда Венн диаграммани тузадилар ва кесишмайдиган жойларни тўлдирадилар.

“Венн диаграмма” методи тингловчиларда ўрганилаётган объектларнинг ўзига хос ва ўхшаш жиҳатларини таҳлил қилиш малакаларини ривожлантиришга ёрдам беради.


“Венн диаграмма” методидан назарий машғулотларда, амалий, семинар ҳамда лаборатория машғулотларида кенг фойдаланиш имконияти мажуд. Ушбу методдан машғулотда фойдаланилганда мавзунини тушунтириш асон бўлади ҳамда таълим оловчиларнинг мавзуга бўлган қизиқиши юқори даражада бўлади ва мавзу тушунтирилаётганда фаол иштирокчига айланади.



- 1) Ўрганилаётган “А” объектнинг ўзига хос жиҳатлари;
- 2) Ўрганилаётган “В” объектнинг ўзига хос жиҳатлари;
- 3) Ўрганилаётган “С” объектнинг ўзига хос жиҳатлари;
- 4) Ўрганилаётган “А” ва “В” объектларнинг ўхшаш жиҳатлари;
- 5) Ўрганилаётган “А” ва “С” объектларнинг ўхшаш жиҳатлари;
- 6) Ўрганилаётган “С” ва “В” объектларнинг ўхшаш жиҳатлари;
- 7) Ўрганилаётган “А”, “В” ва “С” объектларнинг ўхшаш жиҳатлари.

Мавзуга қўлланилиши:

1. Тингловчиларни гуруҳларга ажратиш ва вазифалар бериш.
2. Гуруҳларга бериладиган вазифа: муаллақ эритиш ва ваннада эритиш жараёнларнинг ўзига хос томонлари ва умумий томонларини топиш.
3. Вазифаларни бажариш учун ватман, маркерлар берилди. Вазифалар бажарилиб бўлганидан кейин тақдимот амалга оширилади.



«Ақлий ҳужум»

Ақлий ҳужум (брейнсторминг – миялар бўрони) – амалий ёки илмий муаммоларни ҳал этиш фикрларни жамоали генерация қилиш усули.

Ақлий ҳужум вақтида иштирокчилар мураккаб муаммони биргаликда ҳал этишга интилишади: уларни ҳал этиш бўйича ўз фикрларини билдиради (генерация қилади) ва бу фикрлар танқид қилинмасдан улар орасидан энг мувофиқи, самаралиси, мақбули ва шу каби фикрлар танлаб олиниб, муҳокама қилинади, ривожлантирилади ва ушбу фикрларни асослаш ва рад этиш имкониятлари баҳоланади.

Ақлий ҳужумнинг асосий вазифаси – ўқиб-ўрганиш фаолиятини фаоллаштириш, муаммони мустақил тушуниш ва ҳал этишга мотивлаштиришни ривожлантириш, мулоқот маданияти, коммуникатив кўникмаларни шакллантириш, фикрлаш инерциясидан қутилиш ва ижодий масалани ҳал этишда фикрлашнинг оддий боришини енгиш.

- **Тўғридан-тўғри жамоали ақлий ҳужум** – иложи борича кўпроқ фикрлар йиғилишини таъминлайди. Бутун ўқув гуруҳи (20 кишидан ортиқ бўлмаган) битта муаммони ҳал этади.

- **Оммавий ақлий ҳужум** – микро гуруҳларга бўлинган ва катта аудиторияда фикрлар генерацияси самарадорлигини кескин ошириш имконини беради.

- Ҳар бир гуруҳ ичида умумий муаммонинг бир жиҳати ҳал этилади.

Ақлий ҳужум учун тингловчиларга бериладиган саволлар:

1. Рух ишлаб чиқариш соҳавий тенденциялар
2. Рухли бойитиш усулларини айтинг.
3. Электролиз жараёнинг кечиши.
4. Рух эритмаларини тозалаш.
5. Электрометаллургик усулларни қўллаб рухни қайта ишлаш усулларини айтинг.

III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

1-мавзу: Мис металлургиясининг замонавий аҳволи ва ривожланиш истикболлари

Режа

1. Мис штейнларини эритиш жараёнлари
2. Муаллақ эритиш жараёнинг афзалликлари
3. Митсубиши узлуксиз мис эритиш жараёни

Таянч сўз ва иборалар: Бойитма, штейн, шлак, Ванюков жараёни, Аусмелт жараёнлари, Исамелт жараёнлари, Митсубиши жараёни, конвертерлаш, мисли руда, минераллар, техноген газлар.

1.1 Мис штейнларини эритиш жараёнлари

Штейнга эритишнинг замонавий технологиялари икки гуруҳга бўлинади: муаллақ эритиш ва ваннада эритиш. Муаллақ эритишда бойитманинг ўлчами 100 мкм атрофида бўлиб печнинг ичига газ билан бирга юкланади. Ваннада эритишнинг моҳияти шундан иборатки, эриган массага технологик газлар (табiiй газ, техник кислород, ҳаво) юбориб кучли аралаштиришни ҳамда пукаклар ҳосил қилишдир¹.

Иккала жараёнда ҳам катта майдон юзаси ҳамда турбулент ҳаракат натижасида суюқлик ҳосил бўлади.

Ҳар бир жараён қуйида келтирилган кичик гуруҳлардан иборатдир:
Мис штейнларини эритишнинг замонавий усуллари

Муаллақ эритиш;

Машалали эритиш: Аутотек машалали эритиш, ИНКО жараёни;

Циклонли: Контоп жараёни, Кивсет жараёни

Ваннада эритиш

Баланд фурма орқали юклаш: Аусмелт/Исамелт/Сиросмелт

Митсубиши жараёни


Фурмали: Норанда жараёни (штейнга юклаш), Тиниенте конвертерлаш жараёни (штейнга юклаш), Ванюков жараёни (шлакка юклаш), Байин жараёни (штейнга юклаш)

Бошқалар: Яллиғ-қайтарувчи печь, электрик печь.

Муаллақ эритиш жараёни дунёнинг 50% ортиқ мис ишлаб чиқарувчи корхоналарида қўлланилади, унинг тизимли кўриниши қуйида 1-расмда келтирилган.

Жарёнга газ тўйинган кислород (50-80%) билан ёки техник кислород билан берилиб, таркибида 30-75% SO₂ гази бўлган чиқинди газни ҳосил қилади. Жараён 1520 К (1250 °С) ҳароратда оқиб ўтади ва таркибида 60-70% мис бўлган штейн ҳамда 1-2% мис бўлган шлак олинади.

¹ TREATISE ON PROCESS METALLURGY Industrial Processes Editor-in-Chief
SESHADRI SEETHARAMAN Copyright © 2014 Elsevier Ltd. All rights reserved.
p. 541




1.1-расм. Муаллақ эритиш печининг технологик схемаси

1.2 Муаллақ эритиш жараёнининг афзалликлари

Муаллақ эритиш жараёнининг афзаллиги шундан иборатки, реакция бориш тезлиги ва бунинг натижасида иссиқликнинг юқолиши камлиги, иссиқликни асосий қисми оксидлашга сарфланиши, узлуксиз ёпиқ жараёнлиги, SO_2 ва бошқа зарарли газларнинг ажралиб чиқишини камлиги, узлуксиз жараённинг осон бошқарилиши, ажралиб чиқаётган газлар таркибида SO_2 миқдори кўплиги ва олтингугуртни ажралишини юқори даражада қамраб олишлилиги.

Жараённинг камчилиги айланма иккиламчи хомашёларни қайта ишлай олмаслиги.

Аусмелт/Исамелт/Сиросмелт жараёнлари фурмали печлар туркумига кириб, Австралиянинг УЗИТТ(Умумзаҳира илмий тадқиқод ташкилоти) томонидан яратилган ҳамда штейнга эритиш ва конвертерлаш жараёнларни ўз ичига олади. Ушбу печларнинг ишлаш принциплари, конфигурациялари ва бошқариш процедуралари деярли бир бирига ўхшаш (1.2 – расм).



1.2-расм. Аузмелт/Исамелт печлари

Печлар фурмалари ички қисми зангламайдиган пўлат қувурлардан ясалган бўлиб, унинг ташқи томонидан икки қаватли сув айланма спиралсимон қувур билан пайвандланган бўлади².

Табиий газ ёки мазут пўлат қувурлар орқали берилиб, кислород билан тўйинган ҳаво эса икки қаватли сув айланма спиралсимон қувурлар ён томонидаги ҳалқа орқали берилади.

Пластинани айлантиргич ёрдамида берилаётган газ оқими турбулентлиги оширилади, қувурнинг ташқи томони ва газ оралиғидаги иссиқлик узатилиши ортади. Бу билан қувурдаги ҳарорат мутадиллаштирилади.

Фурмали печларнинг афзаллиги қуйидагилардир:

Печнинг ўзида оксидлаш ва тикланиш жараёнини бориши;

Юқори даражада ериш тезлиги;


Ҳар хил ёқилғи ёқиш мумкинлиги: кўмир, мазут ёки табиий газ;

шихта тайёрлаш ва юклашга бўлган талабнинг соддалиги: бирламчи руда ёки иккиламчи айланма материаллар, комплекс руда, бўлакчи ёки гранулли шихта. Бундан ташқари шихтани фурма орқали юклаш имкони борлиги.

Митсубиши мис еритиш жараёни узлуксиз жараён бўлиб, штейнга еритиш ва конвертерлаш жараёни бир вақтнинг ўзида боради.

² TREATISE ON PROCESS METALLURGY Industrial Processes Editor-in-Chief SESHADRI SEETHARAMAN Copyright © 2014 Elsevier Ltd. All rights reserved. p. 593

Бундан ташқари Ванюков печи XX асрнинг ўрталарида таклиф етилган. Кейинчалик 90-йилларга келиб, у саноатда кенг ишлатилиб, суюқ ваннада еритиш (яъни Ванюков) печи номини олди. 1.3 - расмда “Ванюков печи” нинг умумий кўриниши тасвирланган.



1.3 - расм. Ванюков печи.

Куйида йирик ривожланган мамлакатларда кенг миқёсда қўлланилиб келаётган эритмада борадиган автоген жараёнлар ҳақида қисқача маълумот бермоқчимиз³.

Уларнинг таркибига Канаданинг “Норанда Майнс” компанияси ишлаб чиққан “Норанда” эритиш печи, муҳандис Уоркранинг “Конзинк Риотинтон” (Австралия) фирмаси томонидан 1967-йили ишлаб чиқилган “Уоркра” жараёни ҳамда бутун дунёда машҳур бўлган Канаданинг “Тимминс” заводи, Япониянинг “Онахама” ва “Наосима” заводларида қўлланиб келинаётган “Митсубиси” жараёнлари киради.

Конвертер ҳам овал шаклидаги саккизта фурма ва ёндиргичдан иборат бўлиб, конвертер тошқолининг таркибини яхшилаш учун оҳактошли флус билан биргаликда печга ҳаво пуркаб турилади. Ҳарорат меъёридан ортиб кетган тақдирдагина иссиқликни камайтириш учун сементли мис ёки иккиламчи мисли ашё юклаб турилади.

Тошқолнинг умумий чиқиши мис бойитмасига нисбатан 7–8% дан ортмайди. Бундан олинган конвертер тошқоли қуюқлаштирилиб, яна жараён бошига, яъни эритиш печига жўнатилади.

Яллиғ қайтарувчи печга қараганда “Митсубиси” жараёнининг афзалликлари қуйидагича:

1. “Митсубиси” печининг солиштирма унумдорлиги 2–4 марта юқори.
2. Ёнилғи сарфининг миқдори 2 марта кам.
3. SO₂ га бой газлар олинади ва ташқи муҳитга чиқувчи газлар камаяди.

³ TREATISE ON PROCESS METALLURGY Industrial Processes Editor-in-Chief SESHADRI SEETHARAMAN Copyright © 2014 Elsevier Ltd. All rights reserved. p. 598

4.Капитал ва эксплуатация учун кетадиган харажатларнинг камайиши, шунингдек, ишчи кучига кетадиган харажатларнинг камайиши ҳам унинг афзаллигидир.

1.3 Митсубиси узлуксиз мис еритиш жараёни

Митсубиси жараёни бир вақтнинг ўзида мисни штейнга эритиб конвертерлаш жараёнини амалга оширади. Митсубиси печи Митсубиси Металлар корпорацияси томонидан 1974 йилда Японияда яратилган.

Жараённинг афзаллиги:

- штейнга эритиш ва конвертерлаш босқичлари печни ичида бориши;
- эриган масса бир жойдан иккинчи жойга гравитация таъсирида оқиб ўтиши⁴.

“Наосима” заводида ушбу жараён билан ишлаб турган эритиш мажмуининг унумдорлиги кўпроқ еритиш печининг ишлашига, унинг тузилишига боғлиқдир. Умумий диаметри 10,2 ва 7 метр, баландлиги 2 метр, ваннасининг чуқурлиги 800 мм, тошқол ваннасининг чуқурлиги еса 20–30 мм бўлган овал шаклидаги еритиш печи тўла автоген ҳолда ишлайди. Жараён таркибида 45 % гача кислороди бўлган ҳаво билан пуркаш натижасида энг юқори қаватлардан бирига жойлашган эритиш печида боради. Шихта қоришмаси 1% гача яхшилаб қуритилгач, таркибида мис бойитмаси, кварс, оҳактош, конвертер тошқоли бўлган бирикма печга юклаб турилади. Шихта қоришмасининг тўхтовсиз юклатилиши натижасида узлуксиз эритманинг 65% мисли штейн ҳамда 30–35% кремнийли тошқол аралашмаси биргаликда пастки қаватда жойлашган печга ёпиқ нов орқали қуйилиб туради.

Солиштирма унумдорлик эритиш печида суткасига 10 т/м²ни ташкил этсада, лекин бу кўрсаткични технологик ҳавонинг таркибидаги кислородни кўпайтириш йўли билан икки баробарга орттириш мумкин.

Кейинги агрегат 25 кв. метр майдонни ташкил этган электр печ учта электрод билан таъминланган бўлиб, суяқ тошқол ваннасининг чуқурлиги 600 мм ни ташкил этади. Тошқол таркибидаги мисни камбағаллаштириш учун баъзан кокс қўшиб турилади. Бу ердан олинган штейн тўғри суяқ ҳолида яна ёпиқ нов орқали пастки қаватда жойлашган конвертер печига қуйилади.

Иккинчи маҳсулот эса таркибида $\text{Cu} - 0,5\%$ бўлган ва $\text{CuO}_2 - 30-35\%$ дан иборат бўлган тошқол алоҳида ускуна ёрдамида қумоқлаштирилиб, сўнг махсус ташланма жойга чиқариб ташланади.

⁴ TREATISE ON PROCESS METALLURGY Industrial Processes Editor-in-Chief SESHADRI SEETHARAMAN Copyright © 2014 Elsevier Ltd. All rights reserved. p. 597




Figure 2.1.39 Schematic flow sheet of the Mitsubishi process. Adapted from Ref. [98].

1.4 – расм. Митсубиши жараёнининг схематик кўриниши.

Назорат саволлари:

1. Муаллақ эритиш билан ваннада эритишнинг бир биридан фарқи нимада?
2. Митсубиши жараёнининг афзаллик томонлари нимада?
3. Аусмелт жараёнининг афзаллик томонлари нимада?

Фойдаланган адабиётлар:

1. The Metallurgy of the Common Metals, Gold, Silver, Iron, Copper, Lead, and Zinc, by Leonard S. Austin. 2012.
2. Treatise on process metallurgy Industrial Processes Copyright © 2014 Elsevier Ltd.
3. Charles Herman Fulton Principles of Metallurgy: An Introduction to the Metallurgy of the Metals Forgotten Books (July 19, 2012)
4. Chemical Metallurgy: Principles and Practice. Chiranjib Kumar Gupta Copyright © 2003 WILEY-VCH Verlag GmbH & Co. KGaA, Weinheim
5. Corby G. Anderson, Robert C. Dunne, John L. Uhrie Mineral Processing and Extractive Metallurgy Society for Mining, Metallurgy, and Exploration (February 18, 2014)
6. А.С. Хасанов, К.С. Санакулов, А.А. Юсупходжаев. Рангли металлар металлургияси. Ўқув қўлланма. –Т.: Фан, 2009. - 284 б.

2-мавзу: Мис штейнларини конвертерлаш жараёни Режа

1. Мис штейнларини конвертерлаш жараёнларининг бугунги кундаги аҳволи
2. Конвертерни печи параметрлари


Таянч сўз ва иборалар: конвертерлаш, Кеннесотт–Оутотес машала конвертери, ИНСО машала конвертери, ваннада конвертерлаш.

2.1 Мис штейнларини конвертерлаш жараёнларининг бугунги кундаги аҳволи

Конвертерлаш жараёни пирометаллургия технологиясининг энг асосий бўлимларидан бири бўлиб, мис бойитмаси ёки мисли руда қайси эритиш печида эритилишидан қатъи назар, олинган маҳсулот конвертер дастгоҳига юкланади. Мисли штейнни конвертерлашдан асосий мақсад таркибига олтин, кумуш ва бошқа айрим нодир металлларни бириктирган ҳолда, таркибида 96–98 % мис бўлган хوماки мис олишдир⁵.

Конвертерлаш сўзи ўзи суюқ ҳолдаги штейн таркибидаги темир ва олтин-гугуртнинг ҳаво ёки кислородга бойитилган ҳавонинг агрегатга пуркаш орқали оксидланганлигини билдиради.

Бугунги кунда конвертерлаш жараёнининг бир қанча усуллари мавжуд: Кеннесотт–Оутотес машала конвертери, ИНСО машала конвертери ва ваннада конвертерлаш технологияларидир. Энг эски технологиядан бири бу Пеирсе-Смитх конвертерлаш жараёнидир.



2.1 – расм. Конвертер печи.

100 йилдан бери бутун дунё бўйича кўпгина мис эритиш заводларида ушбу таклиф қилинган конвертерлаш усули амалда кенг ишлатиб келинмоқда. Мисли штейн асосан Cu_2S ҳамда FeS дан ҳосил бўлган олтингугуртли бирикмадир.

Унинг таркибидаги мис ашёси ва бойитмаси қайси эритиш печида қайта ишланганлигига боғлиқ ҳолда 20 % дан 70% гача бўлади. Олтингугурт 24–27

⁵ TREATISE ON PROCESS METALLURGY Industrial Processes Editor-in-Chief SESHADRI SEETHARAMAN Copyright © 2014 Elsevier Ltd. All rights reserved. p. 594

% атрофида бўлади. Темирнинг штейн таркибида бўлиши мисга боғлиқ, яъни миснинг штейн таркибида ортиши темирнинг камайишига олиб келади ёки аксинча бўлиши мумкин. Конвертерлаш 2 босқичда боради. Аввал штейн суюқ ҳолда конвертерга юкланади, сўнг штейн таркибидаги темирни оксидлаб, тошқол ҳолатига ўтказиш учун кварсли ёки бошқа флуслар қўшилади.

Натижада олтингугуртли темир оксидланиб, тошқол ҳолатига ўтади, темир оксиди ва бошқа тошқол таркибига кирувчи оксидлар штейн таркибининг зичлигидан анча паст бўлганлиги учун печнинг юқори қисмига чиқади. Бу ҳосил бўлган тошқол печдан эгик ҳолатда чўмичларга суюқ ҳолда қўйилади ва қайта ишлашга жўнатилади. Темирсулфидининг оксидланиши натижасида ҳосил бўлган олтингугурт сульфат кислота олиш цехига жўнатилади. Шу билан темир ва бошқа оксидли бирикмаларнинг печдан чиқариб ташланиши бойитилган мис сулфидининг (оқ матт) ҳосил бўлиши орқали конвертерлаш жараёнининг биринчи босқичига яқун ясалади.


Иккинчи босқичда яримолтингугуртли миснинг (Cu_2S) тўлиқ оксидланиши ва металл ҳолига айланиши юз беради. Иккинчи босқичда ҳам технологик оқова газ таркибида олтингугурт оксидининг таркиби мис сулфидининг оксидланиши ҳисобига 10 %гача, гоҳ ундан ҳам ортиқ бўлади.

2.2 Конвертерни печи параметрлари

Ҳозирги кунда кўпгина замонавий металлургия саноатида, асосан, горизонтал ҳолатдаги конвертерлар ишлатиб келинмоқда.

Асосан, амалиётда сизими 40, 75, 80 ва 100 тонна, узунлиги 6–10 м, диаметри 3–4 м ҳамда фурмалар сони 32 тадан 62 тагача бўлган конвертерлар кенг ишлатилмоқда.

Горизонтал конвертерлар цилиндрсимон эгилувчан аппарат бўлиб, жараён узлукли равишда олиб борилади. Ташқи ғилофи 20 – 25 мм қалинликдаги пўлат листдан қопланган бўлиб, унинг диаметри 3 – 4 метр, узунлиги 10 метргача бўлади. Ички қисми тўлиқ оловбардош, хромомагнетитли ғишт билан териб чиқилган. Ғилоф билан ўтга чидамли ғишт оралиғига оловбардош қумли ашё қўйилади. Бунинг сабаби, ҳарорат ошган сари терилган ғишт кенгайиши ва ўзининг ҳажмини ўзгартириши мумкин. Конвертер тўрт жуфт соққали ғилдиракчалар устида жойлашган бўлиб, электродвигател ва редуктор ёрдамида эгилиш учун ғилофнинг ҳар иккала томонига ғиштли ғилдиракчалар ўрнатилган бўлади. Шунинг учун ҳам конвертер горизонтал ўқ атрофида эгилиши ва ярим айлана ҳолигача айланиши мумкин. Конвертернинг орқа томонига ҳаво пуркаш учун фурмалар ўрнатилган бўлади. Конвертерга бўғзи орқали суюқ ҳолда штейн қўйилади ва ҳосил бўлган тошқол, хомаки мис ҳамда оқова технологик газлар ҳам бўғиз орқали чиқади.



2.1 – расм. Конвертрелаш жараёнида борадиган кимёвий реакциялар.


Қуйида конвертерга тааллуқли айрим технологик кўрсаткичлар келтирилган⁶:

Фурмалардаги солиштирма пуркаш сарфи, м ³ (см ³ .мин)	0,5–1,2
Пуркаш босими, МПа	0,1–0,12
Фурмадан пуркаланувчи пуркаш тезлиги, м/с	100–150
коэффициенти, %	95–98
пуркаш остида конвертернинг ишлаш вақти,%	65–80
ҳаво сарфи, м ³ 1 тонна штейн учун	1250–1750
1 тонна хوماки мис учун	2100–5800
Конвертер тошқолининг чиқиши, %	30–80
Конвертер тошқолининг таркибида, %:	
мис	1,2–3,0
кремнезем	20–28

⁶ TREATISE ON PROCESS METALLURGY Industrial Processes Editor-in-Chief SESHADRI SEETHARAMAN Copyright © 2014 Elsevier Ltd. All rights reserved. p. 595

темир
 миснинг олиниши, %: (ўтиши)
 хомаки мисга
 сонвертер тошқолига
 қайтармаларга
 ҳоказо ёқотишларга

50–55
 87–92
 3–6
 4–6
 0,5–0,8



2.2– расм. Мис металлургиясининг технологик схемаси.

Назорат саволлари:

1. Кеннесотт–Оутотес машала конвертериди қандай жараёнлар боради?
2. Конвертер печларининг бир-биридан фарқи нимада?
3. Конвертер печининг асосий кўрсаткичларига нималар киради?

Фойдаланган адабиётлар:

1. The Metallurgy of the Common Metals, Gold, Silver, Iron, Copper, Lead, and Zinc, by Leonard S. Austin. 2012.
2. Treatise on process metallurgy Industrial Processes Copyright © 2014 Elsevier Ltd.
3. Charles Herman Fulton Principles of Metallurgy: An Introduction to the Metallurgy of the Metals Forgotten Books (July 19, 2012)
4. Chemical Metallurgy: Principles and Practice. Chiranjib Kumar Gupta Copyright © 2003 WILEY-VCH Verlag GmbH & Co. KGaA, Weinheim
5. Corby G. Anderson, Robert C. Dunne, John L. Uhrie Mineral Processing and Extractive Metallurgy Society for Mining, Metallurgy, and Exploration (February 18, 2014)
6. А.С. Хасанов, К.С. Санакулов, А.А. Юсупходжаев. Рангли металллар металлургияси. Ўқув қўлланма. –Т.: Фан, 2009. - 284 б.

3-мавзу: Суюқ ваннада эритиш жараёнлари

Режа

1. Ванюков печи
2. Суюқ ваннада эритиш жараёнинг кўрсаткичлари

Таянч сўз ва иборалар: конвертерлаш, Кеннесотт–Оутотес машала конвертери, ИНСО машала конвертери, ваннада конвертерлаш.

3.1 Ванюков печи

Сўнгги йилларда оғир саноатда, айниқса, рангли металлургияда автоген жараёнлар кенг қўлланилмоқда. Автоген жараён деб, қисман ташқаридан ёқилғи сарф қилган ҳолда, олтингугуртли бирикмаларнинг оксидланиши натижасида ажралиб чиқадиган иссиқликнинг жараёнга тўла сарфланишига айтилади.

Москва пўлат ва қотишмалар институтининг “Рангли оғир металлургияси” кафедраси олимлари томонидан таклиф этилган янги жараён “суюқ ваннада эритиш” деб аталади.


Узоқ йиллар давомида отаси, профессор Владимир Андреевич бошлаган ишни саноат миқёсида ўғли, профессор Андрей Владимирович Ванюков татиқ қилиб, юксак ютуқларга эришди ва металлургия саноатига ўта унумдорлиги билан ажралиб турадиган янги агрегат олиб кирди. Печни такомиллаштиришда, уни ҳар томонлама замонавий жиҳозлашда Москва пўлат ва қотишмалар институти олимлари билан биргаликда “Гинсветмет” (рангли металлургия бош илмий тадқиқот институти, Москва шаҳри), “Типроникел” (никел илмий-лойиҳа тадқиқот институти, Москва шаҳри), “Казминсветмет” (Қозоғистон рангли металлургия вазирлиги), Қозоғистон Фанлар академияси олимлари ҳамда Норилск ва Балхаш кон-металлургия комбинати, Рязан илмий тадқиқот тажриба заводи мутахассислари ва илмий ходимлари фаол иштирок этишди.

Аввалига синов бир неча бора Рязан тажриба заводи печида ўтказилиб, яхши натижа бергач, 1986-йили Норилск кон-металлургия комбинатида тўла синовдан ўтказилди. Ҳар томонлама яхши натижалар олингач, унинг техник-иктисодий кўрсаткичлари нафақат ўша пайтда собиқ Иттифоқ саноатида ишлаб турган эритиш печларидан, балки ривожланган чет элдаги айрим печлардан ҳам устун эканлиги намоён бўла бошлади.

1987-йилда Иттифоқ Вазирлар Кенгашининг қарорига биноан, А.В. Ванюковнинг вафотидан сўнг ушбу эритиш печига “Ванюков печи”, жараёнга эса “Ванюков жараёни” деб ном берилди. Аста-секин ота-бола Ванюковлар бошлаган ишни унинг шогирдлари Москва пўлат ва қотишмалар институтининг “Рангли оғир металлургияси” кафедрасининг мудирининг профессор, техника фанлари доктори Валентин Петрович Бистров ва Алексей Яковлевич Зайсевлар давом эттириб келмоқда. Улар йилдан-йилга “Ванюков печи”ни такомиллаштириб, юқорида қайд этилган иккита катта кон-металлургия комбинатида тўла муваффақиятли ишлашига олиб келдилар.

Печнинг саноатга кириб келиши ва унинг конструктив яратилиши узок йилларда, асосан, ўтмишдаги пирометаллургия печларининг мукамал такомиллашган бир кўриниши, десак муболаға бўлмайди. Печнинг шахтаси тўғри бурчакли бўлиб, орасида сув ўтиб туришига мўлжалланган мис плиталари ўрнатилган. Ана шу сув совуткичлари ёнидан доимий кислородли ҳаво фурма орқали ён томонидан пуркаб турилади. Ҳаво пуркаланган суюқ ваннага юқоридан ҳар хил ҳажмдаги қумоқ шихта юклаб турилади. Фурманинг пастки қисм бўлимида эритмадан тошқол ва штейн ажралиб, ҳар иккала томонидан ўрнатилган сифонлар орқали ҳосил бўлган маҳсулот печдан тинимсиз чиқариб турилади.

4.1-расмда кўрсатилганидек, печнинг асосий қулайлиги ҳар иккала ён томонидан кислороднинг тўғри шихта тушаётган эритма остидан пуркаланишидир. Бу устки ва остки пуркаланиш жараёнларига қараганда анча қулай ва иссиқлик масса алмашинувига ўз таъсирини юқори меъёрда кўрсатади. Ундан ташқари, ваннада эриган ва ҳали эриб улгурмаган ашёлар аралашмаси ҳаракатининг бир хилда биқирлашига олиб келади. Ана шу эритмадаги бир хилдаги доимий ашёларнинг айланиши ва биқирлаши майда сульфидли зарраларнинг бир-бирига тўқнашишига, бунинг натижасида зарраларнинг йириклашувига олиб келади. Эритмада жараён қандай ҳолатда рўй беришидан қатъи назар (ҳаракат, тошқол қовушқоқлиги ва ҳоказо), катталашган штейн зарралари печнинг тубига, штейн фазасига чўкади [19].



3.1-расм. Ванюков печи

Сульфидли шихта таркибидаги кварсли флус тошқолда тез эрийди, тошқолнинг ҳосил бўлиш тезлигини ниҳоятда орттириб юборади.

Жараёнда томчилар оралиғидаги колессенсия (яъни энергия системасининг камайиши билан суюқ ва қаттиқ фазалардаги ҳажмларнинг ўз-ўзидан бирикиши) штейн томчиларини ўртачалаштиради. Демакки, печнинг энг остки қисмидаги штейн таркибидаги мис штейн бўлимининг устки қисмига нисбатан бор-йўғи 3–5% гина фарқ қилиши мумкин.

Штейн таркибидаги миснинг ортиши билан бошқа печлардагидек, тошқол таркибидаги мис таркиби ҳам ортиб боради, бироқ жуда кам миқдорда, яъни 45–50% мисли штейн олинганда, тошқолдаги мис 0,5–0,6% дан

деярли ортмайди. Ванюков печида нафақат мисли хомашё, балки мис-никелли клинкернинг мис шихтасини ҳам бирдек эритиб, режалаштирилган ҳолда, керакли таркибда мисли штейн, сульфат кислота олишга мўлжалланган сульфид ва сульфат ангидридли технологик газ олиш мумкин.

Ванюков печида ҳар қандай мисли маҳсулотлар ёки ашёларни эритиб, ундан мисга бой штейн олиш мумкин. Шунинг учун ҳам ушбу рисоланинг олдинги бобларида кўрсатилганидек, металлургик ҳисоб йўли билан ашёлар тенглиги ҳисобланади. Ҳозирги кунда “Олмалик ТМК” ОАЖдаги ЯҚЕ ва КМЕ печларида Олмалик рух заводининг мисли клинкерлари қайта ишланмоқда. Шунингдек, бошқа барча эритиш заводларида ҳам мисли, таркибида қимматбаҳо маъдани бор клинкерлар Ванюков печида қайта ишланиб, қўшимча мис ва нодир металллар олинмоқда. Шунинг учун ҳам Ванюков печининг металлургик ҳисобида клинкернинг ратсионал таркибини ечиш орқали технологик ҳисобни бошлаймиз.

3.2 Суюқ ваннада эритиш жараёнини кўрсаткичлари

Замонавий, юқори самарадорли автоген жараёнлардан бири – суюқ ваннада сульфид мис бойитмасини эритишдир. Жараённинг аввалги номи ПЖВ (Суюқ ваннада эритиш), Москва технологик университетининг (илгариги Москва пўлат қотишмалар институти) “Оғир рангли металлургияси” кафедраси мудири профессор А.В.Ванюков томонидан 1951-йил муаллифлик гувоҳномаси билан ҳимоя қилинган тадқиқотни синовдан ўтказиб, узоқ йиллар илмий изланиш олиб борди. Ушбу автоген жараёни профессор Ванюков бошчилигида яратилган ва кўп давлатларда татбиқ этилган.

Жараённинг моҳияти сульфидларни тошқол эритмасида, кислород ёки кислородга бойитилган ҳаво оқимида ёндиришдан иборатдир. Жараён кессонланган шахтали печда, эритманинг пастдан юқорига қараб кўтарилиши шароитида амалга оширилади.


Ҳозирги пайтда ВП жараёни яллиғ печда эритиш ўрнида қўлланилмоқда. Норилск ва Балхаш тоғ-металлургия комбинатларида жараён тўла татбиқ этилган. Печнинг хомашёсига бойитма, флус ва қаттиқ айланувчан моддалар киради. Хомашёнинг умумий намлиги 6–8 %. Печга суюқ конвертер тошқолини қуйиш мумкин. Хомашё печнинг юқори қисмидан ваннадаги эритмага юкланади. Штейн ва тошқол печнинг қарама-қарши томонларидан, сифон орқали чиқарилади.

Кессонлар зичлиги ўта юқори бўлган мисдан тайёрланган. Технологик газлар кессонланган шахтадан чиқарилади. Шахтада ажралиш даврига чиққан олтингугурт қисман ёндирилади. Газлар қозон-совуткичларда совутилиб, чангдан тозаланиб, сульфат кислотаси олишга юборилади. “Норилск – Никел” ОАЖ ва “Балхаш мис” саноат бирлашмаси комбинатларида ишлаб турган печларнинг техник-иқтисодий тавсифлари 3.1-жадвалда келтирилган.

ВП конструкциясининг иссиқликни доимий ушлаб туриш имконияти катта. Ҳароратнинг максимал қиймати айнан фурма ёнида кўтарилади, кислороднинг юқори сарфи, ҳароратнинг ортишига олиб келади. Кессонлар

ёнида энг паст ҳарорат бўлимларда бўлади. Хомашё юкланадиган жойида ҳам ҳарорат янада пасаяди.

Ванюков печининг кўндаланг кесими 3.2-расмда келтирилган.



1-хомашё, 2- тошқол, 3- штейн, 4-зарра ҳаракати, 5-фурма, 6-мўри, 7-хампа, 8-туйнук

3.2-расм. Ванюков печининг кўндаланг ён кесими.

3.1-жадвал

Ванюков печининг айрим техник кўрсаткичлари

№		Норилск	Балхаш
1.	Хомашё бўйича ишлаб чиқариш унумдорлиги, т/(м. сут)	80	80
2.	Фурма кесимида печнинг эни, м	2,5	2,3
3.	Штейн ваннасининг баландлиги, м	0,5	0,49
4.	Тошқол ваннасининг баландлиги, м	1,1	1,2
5.	Еритмаларнинг умумий баландлиги, м	2,4	2,6
6.	Кислороднинг ҳаво билан бойитилиш даражаси, %	64–65	65–75
7.	1т бойитма учун кислороднинг сарфи, м ³	140–300	140–300
8.	Печнинг фойдали иш даражаси, %	97	84
9.	Миснинг миқдори, % ;		
	а) штейнда	45–50	44–47
	в) тошқолда	0,6	0,5–0,74
10.	СО ₂ нинг газдаги миқдори, %	20–35	24–30
11.	Газнинг чанглик даражаси, г/м ³	1,5–2	2–3
12.	Чангнинг ажралиб чиқиши, хомашёга нисбатан, %	-	1,1
13.	Миснинг ажратиб олиниши, %	97,3	97,1
14.	Нодир металлларнинг ажратиб олиниши	99	99

Келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, ВП жараёни олдинги кўрилган технологиялардан анча афзалроқдир.

Ҳозирги пайтда Ванюков жараёни яллиғ печда эритиш жараёни ўрнида қўлланилмоқда. Норилск ва Балхаш тоғ-металлургия комбинатларида жараён тўла татбиқ этилган. Печнинг хомашёсига бойитма, флус ва қаттиқ айланувчи моддалар киради. Хомашёнинг умумий намлиги 6–8%. Печга суюқ конвертер тошқол қуйиш мумкин. Хомашё печнинг юқори қисмидан ваннадаги эритмага юкланади. Штейн ва тошқол печнинг қарама-қарши томонларидан, сифон орқали чиқарилади. 3.2-жадвалда 100 кг хомашё учун Ванюков печининг иссиқлик баланси келтирилган.

Иссиқликнинг катта ҳажми олтингугуртни эритмада ёқиш даврида ажралиб чиқади. Олтингугурт юқори даражали сульфидларнинг ажралиш жараёнида пайдо бўлади. Газ ҳажмидаги юқори ҳароратлар бунга кўмак беради. Шунинг учун хомашё печга юкланиши узлуксиз оқим билан берилиши керак.

3.2-жадвал

100 кг хомашё учун Ванюков печининг иссиқлик баланси

Кириш	мДж	%	Чиқиш	мДж	%
Углероднинг ёниши	51,4	18,7	Юқори сульфидларнинг ажралиши	31,8	11,6
С ни СО ₂ га ёниши	82,6	30,0	Газ СО ₂ шаклидаги олтингугуртнинг пайдо бўлиши	34,4	12,5
FeC ни FeO га оксидланиши	115,4	42,0	CaCO ₃ нинг ажралиши	5,86	2,1
FeO нинг пайдо бўлиши	18,4	6,7	Тошқол билан	77,2	28,0
Тошқолнинг пайдо бўлиши	3,87	1,4	Штейн билан	45,1	16,4
Ашё билан	2,5	0,9	Газ билан	59,8	21,7
Клинкер билан	0,17	0,06	Намнинг парчаланishi	14,45	5,24
Ҳаво билан	0,63	0,23	Чанг билан	1,68	0,66
			Бошқалар	4,7	1,7
Жами	275,0	100	Жами	275	100

Ванюков жараёнидан ишлаб чиқариш унумдорлигини орттиришда фойдаланиш, техник кислородни ишлатиш ва хомашёни эритманинг устига юклаш ишлаб чиқариш унумдорлигини 100–150 т/м² суткагача олиб чиқиши мумкин. ВП ни эмулсион жараёни дейиш мумкин, чунки унда хомашёдан

тўлиқ фойдаланиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, технологияни автоматлаш ва комплекс механизатсиялаш бошқа печларга қараганда осон кечади.

Ванюков жараёнида моддаларнинг физик-кимёвий ўзгаришлари КМЭП жараёнида ўтадиган реакцияларга мос келади. Фақат бу жараёнда ҳамма реакциялар эритма ичида ўтиши билан ажралиб туради. Бу жараёнлар бирикма ва моддаларнинг ажралиши, сульфидларнинг оксидланиши, сульфид оксидлар билан ўзаро боғланишлари ва бошқалардир. Реакцияларнинг термодинамик тавсифларини КМЭП жараёнида ўтадиган жараёнлар билан баҳолаш мумкин. Фақат эритмада юқори ҳарорат бўлгани, диффузион коэффициентлари каттароқлиги ва эритманинг газ билан барботаж бўлгани реакцияларнинг тезроқ ва тўлароқ оқиб ўтишига олиб келади.

Жараён натижасида сульфид-оксид эмулсияси пайдо бўлади. Эмулсия чўкиб, ваннада штейн ва тошқолга ажралади. Ажралиш уларнинг ҳар хил физик-кимёвий хусусиятлари натижасида боради. Ванюков жараёнида турли бирикмалар қайта ишланиши мумкин. Жараёни оддий штейн, бойитилган штейн ва хомаки мис олиш даражасига ҳам олиб бориши мумкин ҳамда бу жараён келажакда яллиғ печларнинг ўрнига тўлиқ қўлланилиши мумкин, десак ҳеч ҳам муболаға бўлмайди.

Назорат саволлари:

1. Ванюков печи
2. Сувоқ ваннада эритиш жараёни кўрсаткичлари

Фойдаланган адабиётлар:

1. The Metallurgy of the Common Metals, Gold, Silver, Iron, Copper, Lead, and Zinc, by Leonard S. Austin. 2012.
2. Treatise on process metallurgy Industrial Processes Copyright © 2014 Elsevier Ltd. All rights reserved.
3. Charles Herman Fulton Principles of Metallurgy: An Introduction to the Metallurgy of the Metals Forgotten Books (July 19, 2012)
4. Chemical Metallurgy: Principles and Practice. Chiranjib Kumar Gupta Copyright © 2003 WILEY-VCH Verlag GmbH & Co. KGaA, Weinheim
5. Corby G. Anderson, Robert C. Dunne, John L. Uhrig Mineral Processing and Extractive Metallurgy Society for Mining, Metallurgy, and Exploration (February 18, 2014)
6. А.С. Хасанов, К.С. Санакулов, А.А. Юсупходжаев. Рангли металлургияси. Ўқув қўлланма. –Т.: Фан, 2009. - 284 б.

IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

1- амалий машғулот:

Турли металл сакловчи бойитмаларни рационал таркибини ҳисоблаш(4 соат)

Ишдан мақсад: Халькопирит-пиритли мис бойитмалари, мисга бой бўлган бойитмалар, рухли бойитмаларни рационал таркибини ҳисоблашда уларнинг кимёвий таркибини билган ҳолда ҳисоблаш амалга ошириш.

